БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • № 113 (17.395). • 19 май 1979 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

Суратда: музокаралар бошланиши олдидан.

А. Пахомов фотоси. («ПРАВДА»).

ЎРТОҚ И. БРОЗ ТИТО ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

КПСС Марказий Комитети билан СССР Олий Совети Президиуми Совет Иттифоқига келган Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия Коммунистлар союзининг Раиси Иосип Броз Тито шарафига 17 майда зиёфат бердилар.

Зиёфатда: Совет томонидан—Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, М. А. Суслов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Н. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. В. Русаков, М. С. Горбачев ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар: Югославия томонидан — ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси С. Доланц, ЮСФР ташқи ишлар иттифоқ секретари И. Врховец, ЮСФР Президентига ҳамрох бўлиб келган бошқа кишилар, шунингдек ЮСФРнинг СССРдаги элчиси М. Орландич ва элчихонанинг дипломатия ходимлари ҳозир бўлдилар.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфат вактида Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито нутқ сўзладилар, уларнинг нутқларини ҳозир бўлган кишилар эътибор билан тингладилар.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Аввало ҳурматли меҳмонимиз Югославия Коммунистлар союзининг Раиси, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти Иосип Броз Титони ва у билан бирга келган ўртоқларни яна бир бор самимий табриклаб ўтаман.

Совет ва югослав халқлари ўртасидаги муносабатлар чуқур ҳайрихоҳлик, ҳар томонлама кенг ҳамкорликка доимий интилиш руҳи билан суғорилган. Шу муносабатларнинг манфаатлари йўлида хизмат қилиш бизнинг бурчимиздир. Баъзи бир халқаро проблемаларга турлича ёндашиш мана шу мустаҳкам қоида йўлида гов бўла олмайди.

Бизнинг назаримизда, Совет — Югославия дўстлиги Европада ва бошқа қитъаларда ҳам тинчлик ҳамда тараққиётнинг нуфузли омили бўлиши мумкин ва лозим. Аммо шуни ошкора айтиш мумкинки, бизнинг дўстлигимизни кўролмайдиган кучлар бор. Ўтмишни пеш қилиш ва келажак хусусида бемаъни ўйдирмалар тўқишдан фойдаланиб, бизнинг ҳамкорлигимизни бузишга қилиначётган уринишларга дуч келинмоқда.

Биз эса ҳар қандай ноаниқликлардан мусаффо бўлган муносабатларни, сидқидил ва мутлақо тенг ҳуқуқли муносабатларни ҳоҳлаймиз. Бизнинг югославиялик дўстларимиз ҳам шуни ҳоҳлайдилар, деб ўйлаймиз. Маълум Совет — Югославия ҳужжатларида акс эттирилган принциплар — мана шундай муносабатлар учун мустаҳкам негиздир.

Халқаро вазият ҳозир нотинч бўлиб турибди. Планетанинг гоҳ у, гоҳ бу жойида тинчлик хатарли синовларга дуч келмоқда. Эски ва янги мустамлакачиларнинг ҳукмронлиги ўйдим-чуқур қилиб ташлаган заминда озодликка кўпгина оғир жанглар натижасида эришилмоқда. Кўрсатилиш пойраси замирида беҳисоб катта хавф яшириниб ётибди.

Биз, совет коммунистлари, мустаҳкам тинчлик йўлида, яхшироқ, яна ривожланган халқаро ҳамкорлик йўлида ҳали кўп иш қилиш кераклигини кўриб турибмиз.

Турли мамлакатлар мулоқотга, биргаликда куч-ғайрат сарфлашга тайёр эканликларини тобора аниқроқ билдирмоқдалар. Бизнинг яқинда Франция Президенти Жискар д' Эстэн билан ўтказган музокараларимиз буни яққол тасдиклади. Бу музокаралар амалда кескинликни юмшатиш, бутун дунёда тинчлик манфаатларини кўзлаб ҳамкорлик қилиш учун янги уфқларни қандай очиш мумкинлигининг намунаси бўлиб қолди.

(Давоми иккинчи бетда).

МЕДИЦИНА ТАДҚИҚОТЛАРИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 18 май. (ТАСС). Владимир Ляхов билан Валерий Рюмининг орбита бўйлаб учиши давом этмоқда.

Кеча комплекс экипажи «Прогресс-6» кемасидаги юкларни бўшатиш ишларини бажарди. Космонавтлар озиқ-овқат маҳсулотлари солинган контейнерларни, медицина асбоб-ускуналарини, кинофото материалларини, почта ва посилкаларни станция ичига олиб ўтдилар.

Бугунги кунинг катта қисми медицина текширишларига ажратилган. Медицина текширишлари узоқ учиш шароитида космонавтларнинг сиҳатсаломатлиги ва иш қобилиятини аниқлаш ҳамда қандай ҳолатда эканликларини прогноз қилиш мақсадида мунтазам суратда ўтказиб турилади.

Экипаж командири уйқуга кетиш биланоқ тўла осойишталик шароитида унинг қон айланиш динамикаси тадқиқ этилди, бортинженер қон томирларининг қолстини тадқиқ қилди. Тушдан кейин экипажнинг ҳар иккала аъзоси «Чибис» вакуум костюмидан фойдаланган ҳолда гидростатик босим таъсири таклидига юрак-қон-томир системасининг муносабатини тадқиқ этади. Текширишлар вақтида кўп функцияли «Полином-2М» аппарати клиник контроль қилмоқда.

Бугун станция иш бўлмасидаги вазифаларлардан бирини алмаштириш ҳам планлаштирилган.

Медицина контроли натижаларига кўра Владимир Ляхов билан Валерий Рюмининг сиҳат-саломатлиги яхши.

«Салют-6» — «Союз-32» — «Прогресс-6» илмий-тадқиқот комплекси ичидаги системалар нормал ишламоқда.

Ер атрофи орбитасидаги ишлар мўлжалланган программа бўйича давом этмоқда.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун **Олот райони** (район партия комитетининг секретари Д. Бобоқулов, район ижроия комитетининг раиси Н. Раҳимбердиев, район комсомол комитетининг секретари И. Носиров, бош пилла қурутиш корхонасининг директори Н. Умаров) республика «Ҳурмат тахтасига ёзилди.

КРЕМЛДА СУҲБАТЛАР

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин амалий визит билан Москвага келган Америка—Совет савдо-иқтисодий кенгашининг президенти М. Форрестолни ва Американинг «Армко интернэшнл» фирмаси президенти Ж. Гиффинни 18 май куни Кремлда қабул қилди.

Суҳбат чоғида А. Н. Косигин КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан АҚШ Президенти Ж. Картернинг бўлажак учрашуви Совет—Америка муносабатларини яхшилаш ва ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади. Учрашув вақтида стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида тузилган янги шартнома тасдиқланади ва имзоланади.

Ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар масалалари юзасидан ҳам фикрлашиб олинди. Шу муносабат билан А. Н. Косигин Совет Иттифоқи тенглик, ўзаро манфаатдорлик, ҳеч қандай камситмаслик ва чекламаслик принциплари негизида ана шундай алоқаларни ривожлантириш учун изчиллик билан курашиб келаётганлигини яна айтди. Бу — ҳар икки давлатга амалий наф келтирибгина қолмай шу билан бирга умуман СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ижобий ривожлантиришга кўмаклашган ҳам бўлур эди.

М. Форрестол билан Ж. Гиффин ҳам Л. И. Брежнев билан Ж. Картернинг бўлажак учрашуви муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишидан, шу жумладан ўзаро манфаатли амалий алоқалар учун нормал шарт-шароитлар вужудга келтирилишидан АҚШнинг савдо-саноат доиралари манфаатдор эканлигини билдирдилар.

Суҳбатда ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари, Америка—Совет савдо-иқтисодий кенгашининг ҳамраиси В. Н. Сушков иштирок этдилар.

* * *

А. Н. Косигин шу куни Кремлда Тунис Республикаси ёшлар ва спорт ишлари министри Хеди Згални қабул қилди. Хеди Згал Тунис Бош министри Х. Нуирининг мактубини СССР Министрлар Совети Раисига топширди.

Ҳар томонлама Совет—Тунис алоқаларини янада ривожлантириш ҳамда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди.

Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида фикрлашув чоғида ҳар икки томон Миср—Исроил сепарат шартномаси имзоланганлиги натижасида ана шу районда рўй берган вазиятнинг ривожидан жилдий ташвишланганлигини изҳор этди ва арабларнинг одилона ишини қўллаб-қувватлашга, Яқин Шарқдаги можарони ҳар томонлама, мустаҳкам бартараф этиш учун эришишга қаратилган куч-ғайратни давом эттириш ниятини айтилди.

(ТАСС).

Ишга туширилаётган объектда

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

ЧИРЧИҚ (Тошкент области), 18 май. (ЎзТАГ мухбирлари). Капролактам — автомобиль шиналари учун енгил ва пишиқ тола, сунъий толадан тўқилган нафис газламалар, енгил ҳамда пишиқ арқонлар; хилма-хил синтетик плёнкалар: гилам, кийим-кечак, ювиш мумкин бўлган ҳар хил қопламалар, безак пластикаси ҳамда бошқа кўпгина қимматли маҳсулотлар демакдир. Еттинчи ноябрь куни мамлакатда капролактам ишлаб чиқарувчи энг катта комплекслардан бири Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишга туширилиши керак.

Чирчиқ шаҳар партия-хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган партия хўжалик йиғилиши капролактам комплекси қурилишини жадаллаштириш йўлларини ва уни ўз вақтида фойдаланишга топширишнинг қўшимча тадбирларини муҳокама этди. «Электрохимпром» бирлашмасининг бош директори Б. Қодиров доклад қилди.

Йиғилишда 160-қурилиш трестининг бошқарувчиси А. Керимов, капролактам ишлаб чиқариш комплексининг оператори Т. С. Ольмезова, СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрининг ўринбосари Н. М. Рибеков, СССР қурилиш министрининг биринчи ўринбосари Р. М. Сакалаускас, «Чирчиқхимстрой» бошқармасининг бригадири М. Абдураимов, СССР химия саноати министри Л. А. Костендов, «Ўзэлектромонтаж» трестининг бригадири В. И. Родионов сўзга чиқдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар бу ерда капролактам комплекси қурилиш бошланганидан буён талайгина ишлар қилинганлигини айтдилар. Кўпгина қурилиш ва монтаж коллективлари топшириқларни мунтазам суратда ошириб бажариб, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. К. Ганкин, Н. Ермолаева, Н. Жбанов, Н. Сеитхалилов, Н. Соколов бригадалари ҳамда бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг бошқа бўлинмалари шулар жумласидандир.

Бироқ умуман қурилиш белгиланган графикдан ҳамон орқада қолмоқда. Ишга туширилаётган чуддатгача қолган ойларда 26 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш зарур. Республика Қурилиш министрлиги билан Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги қурилишни ишчилар билан етарли миқдорда таъминламадилар, кўтарма транспорт механизмларининг етишмаётганлиги сезилиб турибди. Асбоб-ускуналарни монтаж қилиш учун етказиб бериш нозик жой бўлиб қолди: буюртмачи — «Электрохимпром» бирлашмасининг комплектлаш бўлинмаси кўпайиб кетган иш ҳажмини ўддалай олмаяпти. Бўлажак химия комплексининг ходимлари учун мўлжалланган уйжойларни қуриш ва фойдаланишга топшириш орқада қолмоқда.

Планни сўзсиз бажариш ва капролактам ишлаб чиқарувчи объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун қурилишда қатнашаётган ташкилотларнинг ҳаммаси ишда аниқ маромни ва уюшқоқликни таъминлашлари лозим. Графикда белгиланган муддатларга бундан буён аниқ риоя қилмоқ учун йўл қўйилган қолоқликка май ва июнь ойларида барҳам бериш лазур. Шу муносабат билан икки ва уч сменали ишни ташкил этиш, бригада пудратчи кўплаб жорий қилишнинг барча имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, объектдаги ишларнинг бажарилиши учун масъул бўлган ҳамма министрликлар ва идоралар қоят муҳим қурилишни ишчи кучи ва техника билан таъминлашлари, қурилиш ва монтажнинг сифатига алоҳида эътибор беришлари лозим. Бу соҳада буюртмачи ташкилот пойқалавчилар ва ишга туширувчи-созловчи ташкилотларнинг вакиллари билан биргаликда назоратлиликни кучайтиришлари керак. Олдинда турган долзарб даврда кўп минг кишилик коллективга намунали хизматни йўлга қўйиш — савдо-сотиқ, маиший хизмат, автомобиль транспорти ходимларининг вазифасидир.

Чирчиқда катта химия комплекси қурилишига дахлдор бўлган партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ўз коллективларида ишчилар эстафетаси принципига мувофиқ социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришлари, турдош корхона ходимларини иш билан таъминлашни назорат остига олишлари, бекор туришларга ва иш вақтининг зое кетишига қарши курашишлари, қурилишнинг барча участкаларида меҳнат интизомига қаттиқ риоя этилишини таъминлашлари зарур.

Актив йиғилиши капролактам комплекси қурилиши суръатларини қатъият билан оширишни Чирчиқ партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг энг муҳим вазифаси, деб топди. Планлаштирилган объектларнинг ҳаммасини ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш бораси-даги тадбирлар белгиланди. Йиғилиш қатнашчилари астойдил ишонч билдириб айтдиларки, шаҳар коммунистари, барча меҳнаткашлари фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатадилар, юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарадилар, мамлакатга дастлабки капролактамни белгиланган муддатда етказиб берадилар ва шу билан КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Ҳўжаев иштирок этдилар.

СОВЕТ—ЮГОСЛАВИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Совет Иттифоқига дўстона визит билан келган ЮСФР Президенти, ЮКС Раиси И. Броз Тито ўртасидаги музокаралар 18 май куни Кремлда ниҳоясига етди. Бу музокаларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси С. Доланц, ЮСФР ташқи ишлар иттифоқ секретари И. Врховец қатнашдилар. Совет — Югославия муносабатларининг аҳволи ва ривожланиш истиқболларини муҳокама қилиш давом эттирилди. Л. И. Брежнев ва И. Броз Тито сиёсат, экономика, фан, маданият ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларнинг кўпайиши Совет Иттифоқи ва Югославиянинг, иккала мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос эканлигини таъкидладилар. Томонлар Совет—Югославия ҳамкорлигини чуқурлаштиришга тайёрликларини таъкидладилар, юксак даражадаги алоқаларни кенгайтириш зарурлигини айтдилар. Улар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Югославия Коммунистлар союзи ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётилар.

Л. И. Брежнев ва И. Броз Тито шуни таъкидладиларки, юксак доирадаги учрашувлар натижаси бўлмиш Совет — Югославия қўшма ҳужжатларида қайд этилган принциплар ва қоидалар СССР билан ЮСФР ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик ва барқарор муносабатлар учун, ҳамжиҳатлик ва ишонч учун пухта негиздир.

Музокаралар чоғида айтиб ўтилдики, баъзи ташқи сиёсий масалаларга баҳо беришдаги тафовутларга қарамай, Совет—Югославия муносабатларида халқаро ишларда СССР ҳам, ЮСФР ҳам тинчлик ва кескинликни юмшатиш учун, барча мамлакатлар ва халқларнинг мустақиллиги учун, социал тараққиёт учун курашаётганликларидан иборат мустаҳкам негиз белгиловчи аҳамиятга эгадир.

Иккала томон ҳозирги замоннинг энг муҳим масалаларидан бири — қуролсизланиш проблемасига алоҳида эътибор бердилар. Улар қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва реал қуролсизланишга ўтиш манфаатлари йўлида куч-ғайратларни ошириб бориш зарур, деб ҳисоблайдилар ва шу муносаба билан барча конструктив ташаббусларни, шу жумладан БМТ Бош Ассамблеясининг мана шу масалани ҳал этиш учун чакирилган қуролсизланишга доир махсус сессияси қарорларини ёклаб гапирдилар. Л. И. Брежнев ва И. Броз Тито стратегик ҳужум қуролларини чеклашга доир Совет—Америка янги шартномасининг тузилиши шунга ёрдам беради, деб ишонч билдиродилар.

СССР ва ЮСФР Хельсинкида тузилган Якунловчи акт моддаларини тўла ҳажмда изчиллик билан амалга ошириш Европада ишонч, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтдилар. Келаси йил Мадридда ўтказиладиган учрашув шу жиҳатдан ижобий роль ўйнаши керак.

Музокаралар чоғида Совет Иттифоқи ва Югославия кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш учун, бу жараённи дунёнинг ҳамма районларига ёйиш учун, сиёсий жиҳатдан кескинликни юмшатишни ҳарбий жиҳатдан кескинликни юмшатиш билан кўшиб юбориш учун, кризисли вазиятларни тенг ҳуқуқлилик, суверенитетни, халқларнинг озод, мустакил тараққиёт ҳуқуқларини қатъий ҳурмат қилган ҳолда бориш йўли оркали тинч воситалар билан бартараф этиш учун қатъий курашмоқдалар.

Л. И. Брежнев ва И. Броз Тито тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро сиёсий аҳволни яхшилаш учун курашда барча мамлакатлар актив қатнашишини ёқлаб гапирдилар. Барча демократик ва тинчликсевар кучлар бунга кўп даражада ёрдам бера оладилар.

СССР ва ЮСФР ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш учун, халқаро хаётнинг принципиал проблемалари хусусида самаоли ва конструктив мулоқотларни давом эттириш учун курашяптилар. Мана шуларни кўзлаб, турли даражалардаги мунтазам равишда фикрлашиб туриш практикаси давом эттирилади.

ЮСФР Президенти, ЮКС Раиси И. Броз Тито КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни расмий дўстона визит билан ЮСФРга боришга таклиф қилди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито музокаралари дўстона ошкоралик вазиятида ва бир-бирларини ҳурмат қилиш руҳида ўтди.

Музокараларда:

Совет томонидан —КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, СССРнинг ЮСФРдаги элчиси Н. Н. Родионов, КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари Г. А. Киселев, КПСС Марказий Комитети бўлими консультантлар группасининг раҳбари Н. В. Шишлин, СССР Ташқи ишлар министрлиги бўлимининг мудири В. Ф. Грубяков;

Югославия томонидан — ЮСФРнинг СССРдаги элчиси М. Орландич, ЮСФР Президенти кабинетининг мудири Б. Бадурина, ташқи ишлар иттифоқ секретарининг ўринбосари М. Вереш, ЮСФР Президентининг маслаҳатчилари Б. Мандич ва М. Максич, ЮКС Марказий Комитети Президиуми ижроия секретарининг ўринбосари Б. Милошевич ҳам қатнашдилар.

СПОРТ АРМИЯСИ МАРШИ

18 май куни марказий «Пахтакор» стадионида Ўзбекистон ССР спартакиадасининг байроғи кўтарилди. 14 Туркистон комиссари монументи олдида ёқилган олов бош майдонда ҳам ловиллай бошлади.

Бу йилги, ўн саккизинчи республика спартакиадаси спорт ҳаётидаги икки ғоят муҳим воқеаларга — СССР халқлари VII спартакиадаси билан XXII Олимпиа ўйинларига тайёргарлик белгиси остида ўтмоқда. Республикада физкультурани ривожлантиришдаги, спорт маҳоратини юксалтиришдаги янги босқич бўлиб қолган спартакиада партия ва ҳукуматнинг совет кишиларини уйғун камол топтириш тўғрисида қилаётган ғамхўрлигини ифода этди. Мусобақаларнинг ҳамма босқичларида 3 миллиондан кўпроқ киши қатнашди. Улардан кўплари ГТО нишонини тақиб юриш ҳуқуқига сазовор бўлдилар, спорт разрядлари нормативларини биринчи марта бажардилар ёки малакаларини оширдилар. Минглаб йигит ва қизлар спорт мастерлари бўлиб қолдилар. Республиканинг бир қанча вакиллари мамлакатнинг терма командалари составида жаҳон ва Европа чемпионатларида, бошқа халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этдилар.

Спартакиадалар ўртасида ўтган тўрт йил ичида Ўзбекистонда минглаб спорт иншоотлари — дала шийпонлари ёнидаги майдончалар ва мактаб залларидан бошлаб Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплекси, Фарғона ва Қўқонда болалар-ўсмирлар мактаблари учун таълим-машғулот комплекслари, Термиздаги ипподром, У. Юсупов номли ишлаб чиқариш аграр бирлашмаси ҳузуридаги катта «саломатлик цехи» — спорт комплекси каби катта-катта базалар, бошқа стадионлар, бассейнлар, заллар, тирлар пайдо бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Наманган областидаги В. И. Ленин номли Поп территориал-ишлаб чиқариш бирлашмасининг физкультура-оммавий спорт ишларини ривожлантириш соҳасидаги тажрибасини маъқуллаган қарори кенг қўллаб-қувватланди.

XVIII спартакиада программасига спортнинг 31 тури, шу жумладан, СССР халқлари спартакиадасидаги ва Москва Олимпиадасидаги спортнинг ҳамма турлари киритилган.

Спорт байрамини республика XVIII спартакиадаси ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Ҳўжаев очди.

Акробатлар, гимнастикачилар, парашютчилар, футболчилар намунали программага мувофиқ ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Шу куни «Пахтакор» стадионида енгил атлетикачилар спартакиаданинг медаллари учун кураш бошладилар.

(ЎзТАГ).



Суратда: Спартакиаданинг очилиш маросимида ёш спортчиларнинг чиқиши.

Е. Ботиров ва Н. Ўтарбеков фотоси.

БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Яхлит муҳитлар механикасига бағишланган Бутуниттифоқ конференцияси 18 май куни Тошкентда ўз ишини тамомлади. Бу конференция СССР Фанлар академияси проблемали илмий кенгашлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ломоносов номидаги Москва давлат университети томонидан ўтказилди.

Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан келган мутахассислар назарий ва татбиқий физиканинг актуал проблемаларини уч кун давомида муҳокама қилдилар. Илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ЎРТОҚ И. БРОЗ ТИТО ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

(Боши биринчи бетда)

Ҳозир биз АҚШ билан стратегик қуролларни чеклаш тўғрисидаги музокараларимизни батамом тугаллаш бўсағасида турибмиз. Бизнинг президент Картер билан учрашувимиз вақтида имзоланадиган битимлар халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига олиб борадиган қийин, аммо тўғри йўлдаги муҳим босқич бўлиб қолиши шубҳасиз. Социалистик Югославия ва бошқа кўп мамлакатлар мана шу қаётий зарур ишни қўллаб-қувватлаётганликларини Совет Иттифоқи қадрлайди. Галимнинг охирида Ўртоқ Тито билан бўлган бу галги учрашув яхши натижалар келтиради, деб умид билдирмоқчиман. Бу эса дўст халқларимизнинг эзгу орзуларига айнан мос бўлиб тушади.

Совет—Югославия дўстлиги мустаҳкамланиши учун!

Барча тинчликсевар демократик кучларнинг жипслиги учун!

Ҳурматли Ўртоқ Иосип Броз Титонинг сиҳат-саломатлиги учун!

Ўртоқлар, сизларнинг сиҳат-саломатлигингиз учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

Ўртоқ И. Броз ТИТО нутқи

Ҳурматли ва қадрдон Ўртоқ Брежнев!

Қадрли Совет иттифоқилик дўстлар!

Самимий меҳмондўстлик билан кутиб олганингиз, шунингдек бизнинг шаънимизга айтилган дўстона сўзлар учун сизларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдираман.

Қадрдон Ўртоқ Брежнев, мен Сизнинг Совет Иттифоқига келиш, Сиз билан ҳамма бошқа совет раҳбарлари билан учрашиш тўғрисидаги таклифингизни мамнуният билан қабул этдим.

Яхши, ҳар томонлама ва барқарор Югославия — Совет муносабатлари ва ҳамкорлиги узоқ муддатли йўл бўлиб, иккала мамлакатимиз ва иккала партиямизнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилишига ишонаман, бу фикрни Сиз ҳам таъкидлаб ўтдингиз. Неча ўн йиллардирки, бу муносабатлар ва ҳамкорлик бизга 1955 ва 1956 йилларда пойдевор қўйган ҳамда шундан кейинги кўпгина қўшма ҳужжатларда, айниқса, 1976 ва 1977 йиллардаги учрашувларимиз вақтида тасдиқланган, синалган принциплар асосига таяниб келмоқда. Бу асос мустаҳкам ва беқиёсдир. Шу туфайли биз кўп соҳалардаги ҳамкорлигимизда гоят салмоқли натижаларга эришдик. Қадрдон Ўртоқ Брежнев, биз Сизнинг бу ишга шахсан қўшаётган ҳиссангизни ҳамиша юксак қадрлаб келдик. Халқларимиз, мамлакатларимиз ва партияларимиз Ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат, қолаверса, ишонч ва дўстлик ҳам мана шу принциплар асосида, иккала томоннинг куч-гайратлари билан бундан буён ҳам доимо мустаҳкамланавериши учун ҳамма асослар бор.

Шу муҳим ва юксак мақсадга эришиш учун биз мамлакатларимизнинг социализм қуриш йўлларидаги ва халқаро мавқеидаги тафовутлардан табиий равишда келиб чиқадиган қарашларимиз ва сиёсатларимиздаги муайян тафовутларга ҳам тўла ҳурмат билан муносабатда бўлишимиз лозим. Тарихий реаллик бўлмиш шу тафовутлар англашилмовчилик ва ишончсизлик учун важ бўла олмаслиги ва бўлиши лозим эмаслигини ва айниқса дўстона муносабатларимизни ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлигимизни чуқурлаштириш йўлида тўсиқ бўла олмаслиги ва бўлиши лозим эмаслигини биз неча марталаб таъкидлаганмиз.

Шу муносабат билан биз турли лавозимдаги арбоблар Ўртасида ва турли соҳаларда ўзаро, мунтазам, амалий ва тенг ҳуқуқли фикрлашишга алоҳида аҳамият берамиз. Шу тариқа биз мамлакатларимиз ва партияларимизнинг позициялари ҳамда сиёсати билан тобора тўла ва тобора реал ўзаро танишишни, ўзаро тушунишни ва ҳурмат қилишни таъминлаймиз — бу нарса амалда доимо тасдиқланиб келган. Бизнинг принципиал ёндашишимиз ва бизнинг барча мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнида ортирган тажрибамиз ана шундан иборат.

Биз кенг миқёсдаги ва ҳар томонлама фикрлашиш давомида кескинликни юмшатиш жараёнини ва кенг миқёсдаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш имкониятлари ва йўлларига алоҳида эътибор берамиз, албатта. Безовталик тўғдириб турган, кўпгина танглиқлар ва ҳал этилмаган проблемалар қалашиб ётган ҳозирги халқаро вазиятда шундай қилиш айниқса зарур.

Биз Африка жанубидаги, Яқин Шарқдаги ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги чуқур тангликлардан келиб чиқадиган хавф-хатарлар мавжудлигидан ташвишланмоқдамиз. Биз бу хавф-хатарларни бартараф этиш йўли халқлар ва мамлакатларнинг миллий суверенитетга, мустақилликка ва ўз турмуш тарзига бўлган ҳуқуқлари тўла ҳурмат қилинишидан ва бунга четдан аралашув бўлмаслигидан иборат деб ҳисоблаймиз.

Шу эътиқодга асосланиб биз империализм ва мустамлакачиликдан, шунингдек ажнабийлар ҳукмронлиги ва эксплуатациясининг бошқа ҳар қандай формаларидан мустақил бўлиш учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватлаймиз.

Бизнинг фикримизча, универсал жараён бўлмиш кескинликни юмшатиш ҳамма районлар ва барча мамлакатларни ўз ичига олиши лозим. Бу — тинчлик, хавфсизлик ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг бирдан-бир йўли эканлигига, шунингдек, ялпи тараққиётнинг шарти эканлигига ишончимиз комил. Бу эса уруш ва ҳарбий интервенциялларнинг хатарли манбаларини қатъиян тугатишни, барча мамлакатларнинг мустақиллигини изчиллик билан ҳурмат қилишни, бошқаларнинг ички ишларига аралашмасликни, ҳал этилмаган масалаларни тинчликсеварлик ва ижобий руҳда бартараф этишни назарда тутади. Шунингдек бу ҳақиқий қуролсизланиш тадбирларига ўтишни ҳам назарда тутади. Биз аминмизки, стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида СҚҲ-2 шартномасининг яқин вақт ичида имзоланиши ҳам бунга кўмаклашади. Ҳозирги вақтда барча мамлакатларнинг конкрет фаолияти ва ҳамкорлиги воситаси билан кескинликни юмшатишга ишончни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш гоят муҳимдир.

Социалистик Югославиянинг ҳамда қўшилмаслик сиёсатини ўтказаётган бошқа мамлакатларнинг куч-гайратлари ҳам шу мақсадга қаратилган.

Блоклардан ташқари мустақил ва ҳеч кимга тобе бўлмаган омил — қўшилмаслик сиёсатига биз астойдил ва муттасил содиқ бўлиб келяпмиз, бу сиёсат ўзининг ҳажми, қудрати, ривожланиш даражаси ва қайси мақсадни кўзлашидан қатъи назар барча омилларнинг жаҳон муаммоларини ҳал этиш йўлларини қидиришда, адолатлироқ халқаро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар учун, бутун дунёда тараққиёт учун курашда гоят кенг миқёсда халқаро ҳамкорлик қилишлари зарурлигига асосланади. Социалистик Югославия қўшилмаслик принципларига. БМТ Уставига ва Хельсинкидаги кенгашнинг Якунловчи актига изчиллик билан риоя қилиб, дунёдаги барча мамлакатлар билан муносабатларни бир хил негизларда ҳар томонлама ривожлантиришга интилмоқда. Мана шуни биз ҳар томонлама халқаро ҳамкорлик ишига қўшилган конкрет ҳисса ҳам деб биламиз, биз ана шундай ҳамкорлик тарафдоримиз.

Бизнинг бу галги музокараларимиз ҳам иккала мамлакатимиз ва иккала партиямизнинг дўстона муносабатларига ва ҳар томонлама самарали ҳамкорлигига янги куч бағишлашига аминман, бу муносабат ва ҳамкорлик бизларнинг ўзаро манфаатларимизгагина эмас, бутун дунёда тинчлик, ҳамкорлик ва социализмнинг анча кенг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушиши шубҳасиз.

Қадрдон Ўртоқ Брежнев, Сизнинг сиҳат-саломатлигингиз ва бундан буёнги муваффақиятларингиз учун, Совет Иттифоқилик Ўртоқларнинг сиҳат-саломатлиги учун, улуғ ва кўркам социалистик мамлакатингизнинг янада ҳар тарафлама равнақ топиши учун, иккала мамлакатимиз ва иккала партиямиз Ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорлик узлуксиз чуқурлашиши учун, бутун дунёда тинчлик, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, ялпи тараққиёт ва социализм учун қадаҳ кўтараман.

(ТАСС).



Чирчиқ шаҳридаги «Узбекхиммаш» заводининг кўпчилик илғор ишчилари беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажариш учун бошланган социалистик мусобақада янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар орасида корхонанинг моҳир ишчиси Нейлик Жемилов ҳам бор. Суратда: кўп станокни ишчи Н. Жемилов. У кундалик топшириқни ҳар доим 1,5 баравар ошириб бажармоқда.

И. Глауберзон фотоси.

КУН ТАРТИБИДА — МЕҲНАТНИ НОРМАЛАШ

18 май куни Тошкентда меҳнатни нормалашни яхшилаш масалаларига бағишланган республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Узбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг раиси К. Муртазоев кенгашда доклад қилди. (ЎзТАГ).

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ—ИНСОН ХИЗМАТИДА

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар экспертларининг 18 май куни Тошкентда тугаган кенгаши қуёш энергиясини электр, иссиқлик ва механик энергияларга айлантириш проблемаларига бағишланди. Болгария, Венгрия, ГДР, ПХР, Руминия, СССР, ЧССР мутахассислари қуёш энергиясидан фойдаланишнинг янги самарали методларини ишлаб чиқиш ҳамда ана шу методлар асосида тежамли қурилмалар ва установкалар яратиш билан боғлиқ актуал масалаларни беш кун мобайнида муҳокама қилдилар.

1980 йилги иш планлари келишиб олинди, ана шу мураккаб проблемаларни ҳал этишда ҳамкорлик қилишнинг перспектив программаси белгиланди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар экспертлари кенгашининг якунлари улар имзолаган протоколда акс эттирилган.

Мажлис қатнашчилари СССРда ва, жумладан, Узбекистонда қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида орттирилган тажриба билан танишдилар. Улар Чирчиққа бориб, қуёш энергияси ёрдамида ишланиладиган тўрт қаватли уйни кўрдилар, республика Фанлар академиясининг муассасаларида бўлдилар.

(ЎзТАГ).

МАШИНАСОЗЛАР ТАЖРИБАНИ ЎРТОҚЛАШМОҚДАЛАР

СССР билан ЧССР ўртасида енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик соҳасидаги доимий ишчи группасининг XV мажлиси 18 май куни Тошкентда ўз ишини тугаллади. Мажлис икки қардош мамлакатнинг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги ҳукуматлараро комиссиясининг программасига мувофиқ ўтказилди.

Совет Иттифоқи билан Чехословакиянинг етакчи мутахассислари ва олимлари бутун социалистик лагери енгил ва озиқ-овқат саноати учун гоят унумли асбоб-ускуналар билан яхшироқ таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашни чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш йўлларини тўрт кун мобайнида муҳокама қилдилар. Янги машиналарни бирграликда ишлаб чиқиш ва ясашда ҳамкорлик қилишни кенгайтириш тўғрисида битимга эришилди, ҳар бир давлат машинасозларининг ўтган йилги тажрибаси ва ютуқлари умумлаштирилди, шу тармоқларни янада ривожлантириш истиқболлари белгиланди.

Узбекистон меҳмонлари мамлакат тўқимачилик машинасозлигининг энг катта корхоналаридан бири — «Узбектекстильмаш» бирлашмасининг бош заводида бўлдилар, Тошкент ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

ЧКП Марказий Комитети Президиуми ва ЧССР ҳукуматининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин дўстона визит билан якин кунлар ичида Чехословакия Социалистик Республикасига боради.

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ҲАМКОРЛИК

18 май куни Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгаши меҳнат шароитларини янада яхшилаш ва ишлаб чиқаришда шикастланишнинг олдини олиш борасида касаба союз ва хўжалик ташкилотларининг вазифаларига бағишланди. Узбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова доклад қилди.

(ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. МАМАЖОНОВ, Ю. Т. ЭГАМОВни «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлашдаги ва жиноятчиликка қарши курашдаги хизматлари учун қуйидагилар СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин:

Мамажонов Абдуманнон — милиция сержанти.

Эгамов Юсуп Турсунбоевич — милиция кичик сержанти.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

И. УСМОНХУЖАЕВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1979 йил 18 май.
Тошкент шаҳри.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Р. И. БОНДАРЕНКОни «ЕНГИНДАГИ ЖАСОРАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Енгинни ўчириш чоғида кўрсатган довюраклиги, жасорати ва мардлиги ҳамда социалистик мулкни сақлаб қолганлиги учун Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ёнгиндан муҳофаза бўлими ёнгинга қарши давлат назорати бўлинмасининг бошлиғи Роман Иванович **Бондаренко** СССР Олий Совети Президиуми номидан «Ёнгиндаги жасорати учун» медали билан мукофотлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

И. УСМОНХУЖАЕВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1979 йил 18 май.
Тошкент шаҳри.

«КОСМОС-1099» УЧИРИЛДИ

1979 йил 17 май куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1099» учирилди.

Йўлдош ичига СССР халқ хўжалигининг турли тармоқларида ва халқаро ҳамкорлик манфаатлари йўлида Ернинг табиий ресурсларини татбиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Олинаётган маълумотлар ишлаб чиқиш ва фойдаланиш учун «Природа» давлат илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш марказига юборилиб турибди.

(ТАСС).

ГАЗЕТА БАЙРОҒИДА ВАТАН МУКОФОТИ

17 май куни Москвада «Литературная газета»нинг биринчи сони чиққан кунининг 50 йиллигига ва газетага Халқлар дўстлиги ордени топширилганлигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Газета совет адабиётини ривожлантиришдаги самарали иши ҳамда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашганлиги учун юксак мукофотга сазовор бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати, шахсан Леонид Ильич Брежнев номидан «Литературная газета» коллективига қизғин қутласлар ва энг яхши истакларни топширди.

«Литературная газета» мамлакатимизда янги жамият қурилишининг ҳамма босқичларида бадиий ижодиёт партиявийлиги ва халқчиллиги ленинча принципларни асосида кўп миллатли совет адабиётини ривожлантириш ва жипслаштиришда партиянинг актив кўмакчиси бўлиб келди ва ҳозирда ҳам шундай бўлиб қолади, деди М. В. Зимянин. Сўз санъаткорларининг ижодий фаолияти, барча илғор, истеъдодли кишиларни қўллаб-қувватлаш газетанинг диққат марказида бўлиб келди ва ҳозирда ҳам шундай. Газета ижодий, профессионал проблемаларни ёритиш доиралари билангина чекланмай, халқ ҳаёти ва меҳнатининг муҳим масалаларига, жамиятимизни маънавий камол топтиришга ҳам мурожаат этмоқда. У БАМ қурувчиларига, Тюмень нефтчиларига, қишлоқ меҳнаткашларига, олимлар, Ватан ҳимоячиларига ўз саҳифаларини бағишламоқда. Фан-техника революцияси ва ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини қўллаш проблемалари газетани тўлқинлантиради. Газета атроф муҳитни авайлаб сақлаш учун курашмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда «Литературная газета» аудиторияси минглаб одамлар ва танқидчиларнигина эмас, ишчилар, колхозчилар, ҳарбий хизматчилар, партия ва давлат ҳўжалиқ ходимлари, ўқитувчилар, врачлар ва юристлар, илмий-техника зиёлиларининг вакилларидан иборат миллион-миллион газетхонларни ҳам бирлаштирмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори жуда катта назарий ва сиёсий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, бу қарор партия ва мамлакатимиздаги бутун жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ғоявий-тарбиявий ишларимиздаги жиддий камчиликларни бартараф қилишга, бу ишларни коммунистик бунёдкорликнинг туб масалаларини ҳал этиш билан чамбарчас боғлаган ҳолда ҳар томонлама яхшилашга, унинг юксак илмий, марксча-ленинча даражасини, ҳужумкорлик характорини таъминлашга қаратмоқда. Қарорда ғоявий-тарбиявий ишларимизда иқтимоий ҳаётимизнинг актуал масалаларини рўй-рост муҳокамага қўйиш, ўткир проблемаларни четлаб ўтмаслик, реал ҳаётимиздаги мавжуд камчиликлар ва қийинчиликлар тўғрисида индамай ўтмаслик кораклиги кўрсатилади. Партия қўйган актуал вазифаларни ҳал этишда совет халқининг қаҳрамона заҳматларини ифодаловчи, совет жамиятининг ғоявий муҳолифларига зарба беруучи, тараққиёт проблемаларини акс эттирувчи янгидан-янги катта асарлар яратишга даъват этилган маданият усталарига катта ўрин берилган. «Литературная газета»нинг вазифаси ҳам ана шундан иборат деб таъкидлаб ўтилди.

М. В. Зимянин йиғилиш аҳлининг узоқ давом этган гулдурос қарсаклари остида газета байроғига Халқлар дўстлиги орденини тақиб қўйди.

«Литературная газета»нинг бош редактори А. В. Чаковский коллектив меҳнатига берилган юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига қизғин миннатдорчилик билдирди. У газета меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида бундан буён ҳам партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлаверади, деб ишонтирди.

Таниқли ёзувчилар, пойтахт корхоналарининг меҳнаткашлари, жамоатчилик вакиллари коллективни юксак мукофот билан қутладилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Ўртоқ Л. И. Брежневга ялпилик билан табриклама қабул қилдилар.

(ТАСС).

БЕШ ЙИЛЛИК: БУНЁДКОРЛИК ПРОГРАММАСИ

Биринчи беш йиллик план мамлакатимизда социализм қуриш ленинча программасини амалга оширишда катта роль ўйнади. Бу Советлар мамлакати иқтисодий ва социал тараққиётининг сўрўъат ва мутаносибликларини илмий асослаган, совет беш йилликлари ажойиб силсиласини бошлаб берган. мамлакатимизни иқтисодий, илмий-техникавий ва социал тараққиёт чўққиларига кўтарган биринчи комплекс план бўлди.

17 май куни Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида иш бошлаган илмий-амалий конференция СССР халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик плани қабул қилинганлигининг 50 йиллигига, экономикани планли бошқаришни янада такомиллаштириш проблемаларига бағишланди. Конференцияни СССР Госплани, СССР Фанлар академияси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси, СССР Халқ хўжалиги академияси ўтказмоқда.

Леонид Ильич Брежнев бошчилигида КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросидан иборат фахрий президиум баланд руҳ билан сайланади.

Конференцияда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков доклад қилди. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг замонавий экономикаси, деди у, давлат иқтисодий ва социал тараққиёт планлари асосида ривожланувчи янгича халқ хўжалик комплексидир. Беш йилликлар социалистик ишлаб чиқаришнинг олий мақсадлари — совет кишилари моддий ва маънавий эҳтиёжларини мумкин қадар тўла қондиришга эришиш учун экономикани планлаштирувчи асосий форма бўлиб қолди.

Ўтмишдавлат қўламида планлаштириш тажрибаси мамлакатимиз учунгина муҳим бўлиб қолмай, у жаҳонда эътироф этилди, кўпгина давлатлар бундан фойдаланяпти-лар, деб таъкидлади Н. К. Байбаков. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатларнинг ҳамкорлиги ва иқтисодий интеграцияси планли асосда ривожланмоқда ва чуқурлашмоқда. Уларнинг халқ хўжалик планларини координациялаш халқаро социалистик меҳнат тақсимотининг жуда катта имкониятлари ва афзалликларидан самарали равишда фойдаланишга имкон беради.

Ҳаёт фан ва практиканинг энг сўнгги ютуқлари асосида экономикани планли равишда бошқаришни янада такомиллаштириш борасида тобора янги-янги вазифаларни қўймоқда. Бу ишларни янада юксак даражага кўтариш, иқтисодий проблемаларни чуқурроқ англаш, уларни ҳал этишнинг мақбул йўлларини ижодий излаш лозим бўлади. Ҳозирги боскичда планлаштиришни яхшилаш социалистик мусобақа қўламлари билан, жамоат ишлаб чиқаришини интенсивлаш, тежаб-тергаш режимига риоя этиш, халқ хўжалигининг бошқа муҳим проблемалари билан чамбарчас боғланган.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти В. А. Котельниковнинг, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг ректори В. А. Медведевнинг, СССР Халқ хўжалиги академиясининг ректори Н. В. Мельниковнинг нутқлари планлаштиришнинг турли жиҳатларига бағишланди. (ТАСС).

МУСОБАҚАНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романовнинг 12-14 апрелда Ленинградда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияда қилган докладининг тексти «Социалистик мусобақанинг қудратли бунёдкорлик кучи» номи билан китобча қилиб чиқарилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти нашр этди.

(ТАСС).

ҲУҚУҚ - ТАРТИБОТ ПОСБОНЛИГИДА

Россия Федерацияси автоном республикалари, ўлкалари ва областларидан келган раҳбар ходимларнинг намунали жамоат тартибини таъминлашга ва бу ишда қўнгилли халқ дружиналарининг роли проблемаларига бағишланган кенгаши 16 май куни Москвада РСФСР Министрлар Советида ниҳоясига етди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев нутқ сўзлади. (ТАСС).

Область партия комитетининг пленуми

ТЕРМИЗ, 18 май. (ЎзТАГ). Сурхондарё область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда область партия ташкилотининг саноат, қишлоқ хўжалиги объектлари ва социал объектларни ўз вақтида ишга туширишнинг социалистик мусобақани янада авж олдириш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов пленумда нутқ сўзлади.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

КИБЕРНЕТИКАНИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

Философия фанлари доктори, профессор К. Содиқовнинг 1979 йил «Узбекистон» нашриётида чоп этилган «Кибернетика ва унинг баъзи фалсафий масалалари» деган монографияси ҳозирги замон фан-техника революциясининг моҳияти, асосий йўналишлари ва уларнинг коммунизм қуришда ижтимоий ишлаб чиқариш масалаларига бағишланганлигидир. Унда меҳнатни ўзлаштиришда ҳозирги замон кибернетикасининг роли ва унинг жамиятдаги ўрни ҳамда халқ ва шахснинг тафаккури тараққиётига таъсири каби бир қатор фалсафий масалалар қамраб олинган.

Асар тўрт қисмдан иборат бўлиб, улар бир-бири билан мантиқий боғланган, қўйилган масалалар замон талабига мувофиқ талқин этилган. Китобда ҳозирги замон фан-техника революциясининг роли ва унинг ўтмишдаги фан ва техника революцияларидан фарқли хусусиятлари баҳсли масалалар илмий жиҳатдан тўла асослаб берилган ва хулосалар чиқарилган.

Фан-техника революциясини ягона бир таъриф ёки бир муҳим элемент орқали тўла-тўкис баён қилиб бериш мумкин эмас. Шунга кўра, автор бу масалани илмий жиҳатдан ҳал этишда марксизм-ленинизм классикларининг фан ва техникада содир бўлган революциялар ҳақидаги илмий методологик меросига мурожаат қилган. Шу асосда автор фан-техника революциясининг моҳиятини характерловчи илмий таъриф беришга қаракат қилади. Шуни айтиш керакки, авторнинг бу соҳадаги берган таърифи монодефиниция (ягона таъриф) эмас. Автор ўз китобида фан-техниканинг муҳим белгиларини бир неча бўлимда характерлаб беради. Китобда фан-техника революциясининг бу соҳасидаги ҳар хил қарашларни атрофлича таҳлил этиб, муаллиф унинг бош йўналиши автоматика ва кибернетикадир, деган илмий хулоса чиқаради. Бу ҳақда автор ўз асарида шундай дейди: «Энг асосий, жамият тараққиётини белгиловчи омили ишлаб чиқариш усулининг асоси — ишлаб чиқарувчи кучларда туб, революцион ўзгаришлар содир бўлмоқда» деб тўғри баҳолайди (36-бет).

Автоматика ва кибернетикаларнинг моҳияти ва унинг жамият тараққиётидаги роли масаласи асарнинг учинчи ва тўртинчи қисмларида ўз ифодасини топган. Ижтимоий ҳаётнинг асосий субъекти бўлмиш инсон ижтимоий ҳодисаларга актив таъсир этади, шу билан бирга, унинг ўзи ҳам турли ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший ва бошқа ҳодисалар таъсирида тараққий этади, ривожланади. Шундай экан, фан-техника тараққиёти жамият тараққиётига, айниқса, шахс ва унинг тафаккури тараққиётига таъсир кўрсатмоқда, бир томондан кишиларнинг илмий-техника савияси ва профессионал билим даражасининг ўсиб боришига сабаб бўлса, иккинчи томондан, жамиятда инженер-техник ва илмий ходимларни қўллаб тайёрлашни ҳамда ишчилардан тинмай ўқишни, ўз малакасини ошириб боришни тақозо этади. Китобда бу масалаларга атрофлича тўхталган.

Китобнинг «Автоматика ва кибернетика ҳозирги замон илмий-техника революциясининг бош йўналишидир» деб номланган учинчи бўлими асарнинг мантиқий ядросини ташкил этади.

Бу бўлимда кибернетика фанида содир бўлаётган баъзи баҳсли масалалар хусусида фикр юритилади. Бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб берилади. Йирик кибернетик совет олимлари, академиклар А. Н. Колмогоров, В. М. Глушков, А. М. Марков, А. А. Ляпунов, А. И. Берг ва биринчи кибернетик ўзбек олими В. Кобуловнинг бу фанни ривожлантиришга қўшган муҳим ҳиссалари қайд қилинади. Китобда уларнинг кибернетика фанига берилган таърифиге автор ўз муносабатини билдиради ва ўзбек олими, академик В. Кобуловнинг таърифи ҳақиқатга яқин эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам кибернетика фақатгина бошқариш ҳақида ёки мураккаб динамик системалардаги информацион процессларнигина ўрганиб қолмай, балки бошқариш ва информацион алоқалар учун зарур бўлган маълум техник мосламалар ҳақидаги фандир. Табиат ва жамият тараққиётининг қонунларини ўрганувчи марксча-ленинча философиядан фарқли ўлароқ, кибернетика шу қонунларнинг айрим томонларини, яъни бошқарув ва информацион жараёнларнинг умумий ўхшаш томонларини ўрганади, уларни математик моделлаштиради ва техник қурилмаларга кўчиришга бу фаннинг қиссаси қатта эканлиги фактик далиллар билан исботлаб берилади.

Марксча-ленинча инъикос назарияси ва кибернетика информация тушунчасининг нисбати тўғрисидаги бўлим, айниқса, фалсафий мулоҳазаларга бойдир. Инъикос жараёнининг тарихий эволюцияси, унинг олий боскичи психик инъикосининг инсонга хос бўлган шаклигина информацион характерга эга бўлиши керакли-ги ҳақидаги қимматли фикрлар авторнинг катта ютуғидир.

«Кибернетика ва сунъий интеллект проблемаси» деб номланган якунловчи бўлим ҳам актуал масалаларга бағишланган. Мазкур бўлимда автор кибернетиканинг ҳозирги даврдаги стратегик тадқиқот йўналишини учта катта ва асосий кўринишларга ажратади. Булар: 1) Ўз-ўзидан бошқариладиган, ўз-ўзидан ўқийдиган машиналар системасини ижод этиш; 2) Инсон миясини моделлаштириш; 3) «Сунъий интеллектни яратиш йўллари»дир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юзага келаётган «ақлли» машиналарни яратиш мумкинми? Инсон мияси моделлаштирилса бўладими? «Ақлли» машиналар инсондан устунроқ бўлиши мумкинми, деган гоятда муҳим фалсафий характердаги масалалар хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Бу соҳага баъзи олимларнинг қарашларини танқид қилади.

Асарда кўтарилган масалалар ўз моҳияти эътибори билан давримизнинг актуал проблемалари бўлиб, уларни тадқиқ этишда автор катта илмий изланишлар олиб борган ва бу соҳада муваффақиятларга эришганлигини алоҳида қайд қилмоқ даркор. Бу илмий тадқиқот кенг укувчилар оммасига, олимлар, инженер-техник ходимлар, студентлар, агитатор ва пропагандистларга мўлжалланган муносиб тухфадир.

М. КОМИЛОВ,
техника фанлари доктори, профессор.

Ҳ. ЖАЛИЛОВ,
фалсафа фанлари кандидати, доцент.

19 МАЙ — В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

Бугун — қизил галстукли ўғил ва қизларнинг шодиёна байрами. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари, В. И. Ленин номли пионер ташкилоти республика Совети раиси Ш. МАҲМУДОВА билан учрашиб, пионер ташкилотлари байрамга қандай тайёргарлик кўрганлиги ҳақида сўзлаб беришни сўради.

— Ҳар сафар камолот даври — болалик, ўсмирлик йилларини хотирласак, ўзимиздаги мавжуд кўп хусусиятлар худди ўша кезлари шаклланганига яна бир карра иқрор бўламиз. Шу боисдан марксча-ленинча таълимот билан қуролланган жонажон партиямиз, унинг жанговар ёрдамчиси ва ишончли резерви — Ленин комсомоли жамиятимиз навқирон авлодини юксак коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашга ҳамиша алоҳида эътибор бериб келмоқда.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти доҳий васиятларига амал қилиб, миллион-миллион ўғил-қизларни давримизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялади. Ўзбекистон пионерлари ҳам биринчи беш йилликлар ва Улуғ Ватан уруши даврида, уруштан кейин халқ хўжалигини тиклашнинг қаҳрамонона курашида катталарнинг энг яхши кўмакчилари бўлиб қолдилар. Етмишинчи йилларнинг пионерлари авлодларнинг ажойиб ишларини мувафқиятли давом эттириб, севикли Ватан улуғворлигини ёшликнинг жўшқин ғайрати билан янада кўкларга кўтаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда республика пионер ташкилоти сафида юз миллат ва элат фарзандлари — 2 миллион 300 мингдан ортиқ аъзо бор. Илғор пионер дружина ва отрядлари сони йил сайин ортиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида ўқишда аълочи, жамоат ишларида актив 400 мингдан зиёд пионер ВЛКСМ сафига қабул қилинди.

Ёшларни интернационализм руҳида тарбиялашда пионерларнинг «Тинчлик ва бирдамлик» маршрути алоҳида аҳамият касб этмоқда. Республикамизда 3700 дан ортиқ интернационал дўстлик клуби мавжуд. 380 пионер дружинаси чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятларига коллектив аъзо ҳисобланади. Ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивали муносабати билан Ўзбекистонда «Биз ватанпарвар, интернационалистларимиз» республика фестивали ва қатор конкурслар ўтказилди.

Ўқувчи ва пионерлардан аввало фан асосларини чуқур эгаллаш талаб этилади. В. И. Ленининг «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш» деган васиятига содиқ пионерларнинг аксарияти кундалигида фақат «аъло» ва «яхши» баҳоларни кўриш мумкин. Болалар ўз билимларини ҳар хил тўгаракларга қатнашиш билан янада бойитмоқдалар. Ҳар йили турли фанлар бўйича ўтказилаётган республика олимпиадаларида 3 миллиондан ортиқ пионер ва ўқувчи иштирок этмоқда.

Ёшларнинг касб танлашлари, ҳунар ўрганишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Пахта ва маккажўхори етиштиришга ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилар бригадалари, айниқса, ибратли ишлар қилмоқда. Пискент районидаги 2-мактаб пионерлари Шуҳрат Эшбеков билан Хадича Рўзматова гўзанинг нисбатан янги навини етиштирганлари учун Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси медали билан тақдирланди. Бир гуруҳ ўртоқлар қатори Тошкентдаги 225-мактаб ўқувчиси Шуҳрат Адҳамовга пилла етиштиришда хлорелладан фойдаланишдаги янги, илғор методи учун авторлик гувоҳномаси берилди.

Республикамиз пионерларининг халқ хўжалигининг турли жабҳаларидаги ёрдами хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин. Улар 5 минг тоннадан ортиқ макулатура, 25 минг тонна темир-терсак тўпладилар. Ўтган йили Иваново тўқимачиларига Ўзбекистон ўқувчилари етиштирган ва уларнинг ўзи терган пахта махсус эшелон қилиб жўнатилди. Шунингдек, БАМ бунёдкорларига ўқувчилар етиштирган ўнлаб тонна мева ва сабзавот юборилди. Пионерлар ўлкамизни кўкламзорлаштириш ва ободонлаштиришга ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Биргина ўтган йилнинг ўзида 6 миллион туп дарахт ва бута кўчатлари экишгани, Жиззах областида ВЛКСМ 60 йиллиги номли пионер боғи барпо этишганини айтиш кифоя.

Пионер ва ўқувчиларимизнинг ўлкашунослик ҳамда туризм соҳасидаги ютуқлари ҳам эътиборга лойиқ. Совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини ўрганиш, оталиқдаги корхоналар солномасини яратиш, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, ветеранлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар билан учрашувлар ўқишда, ишда, барча пионер ҳаракатларида янги-янги ютуқларга руҳлантирмоқда.

Санъат олами ёш авлод қалбини ҳамиша ром этиб келади. Шу боисдан Ўзбекистондаги ҳар икки пионердан бири «Санъат байрами» республика конкурсида, бадиий ҳаваскорлик концертлари ва кўрикларида қатнашиб келаётганига, 18 пионер коллективи эса республика Ленин комсомоли ва область комсомол ташкилотлари мукофотлари лауреати бўлганлигига ажабланмаса бўлади. Ҳар йили болалар ва ўсмирларнинг китоб, музика, фильмлар Бутуниттифоқ ҳафталигида 2 миллиондан ортиқ пионер ва ўқувчи қатнашмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1979 йилни Халқаро болалар йили деб эълон қилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев марказий телевидение орқали сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлади: «Биз, Совет Иттифоқида болалик йилларининг соғлом ва бахтиёр бўлиши учун ҳамма ишни қилишга интиляпмиз».

Ўзбекистон пионерлари партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигига жавобан катта авлод шонли анъаналарини бундан буён ҳам муносиб давом эттиравердилар, уларга муносиб ўринбосарлар бўлиб етишадилар. В. И. Ленин васиятларига амал қилган ҳолда коммунистчасига яшайдилар, ўқийдилар ва меҳнат қиладилар.

В. И. Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчиларининг саройида 60 дан зиёд тўгарак ва клублар ишлаб турибди. Уларда 3,5 мингдан зиёд болалар ва ўсмирлар шуғулланади. Пионерлар саройининг «Тинчлик» интернационал дўстлик клубининг аъзолари СССР халқлари дўстлиги музейига тез-тез келиб туришади. Суратда: клубнинг аъзолари «Жасорат» ёдгорлиги олдида.

А. Усмонов ва Р. Шамсуддинов фотоси. [ЎзТАГ].

Иқбол АКБАРХЎЖАЕВА

Республика миқёсидаги шахсий пенсионер Иқбол Акбархўжаева узоқ давом этган касаллиндан сўнг 79 ёшида вафот этди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан комсомол, 1931 йилдан КПСС аъзоси бўлган И. Акбархўжаева аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш, хотин-қизларни озод қилиш, ер-сув ислоҳотини ва коллективлаштиришни ўтказишда актив қатнашди.

И. Акбархўжаева бутун ҳаётини партия иши учун курашга бағишлади. У Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент округ комитетининг инструктори, мактабгача тарбия педагогика техникуми директори, Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлигининг инспектори, Тошкент область партия комитетининг инструктори, Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг секретари, Ўзбекистон Компартияси Янгийўл шаҳар ва Тошкент қишлоқ район комитетларининг секретари бўлиб ишлади. «Ерқин ҳаёт» журналининг масъул редактори бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди.

И. Акбархўжаеванинг Ватан олдидаги хизматлари медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Содиқ коммунист, ажойиб ўртоқ, камтарин ва меҳрибон инсон И. Акбархўжаеванинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

ТОШКЕНТНИ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ, ЮКСАК МАДАНИЯТ ВА НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ ЎРНАТИЛГАН ШАҲАРГА АЙЛАНТИРАМИЗ

ШАҲРИМИЗ ОЗОДА, КЎРКАМ БЎЛСИН

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕЙДИ

Ўлкамизда баҳор нафаси кезиши билан пойтахтда катта ободончилик ишлари қизитиб юборилди. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари ташаббуси билан уюштирилган шанбаликларда шаҳримиз чиройи янада очилиб кетди. «Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантирамиз!» шиори пойтахтлик ҳар бир кишининг қалбига етиб борди. Ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишларида районлар санитария - эпидемиология станциялари, «Автодормехбаза» ишлаб чиқариш тресті бўлимлари, маҳалла комитетлари, уй-жойдан фойдаланиш идоралари ҳамда кенг жамоатчилик катта роль ўйнамоқда.

Шаҳар тозалиги ва санитария ҳолатини яхшилаш ишларида айниқса, Чилонзор, Акмал Икромов, Октябрь районлари «Автодормехбаза»лари ишчи-хизматчилари намуна кўрсатишяпти. Чиқиндиларни микрорайонлардан, кўчалардан, автомагистрал йўллардан вақтида олиб чиқиб кетиш учун шофёрлар ўз маршрутларида белгиланган график асосида ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ айрим районларда ишлар кўнгилдагидек ташкил қилинган, деб бўлмайди.

Лении район Қўйлиқ бозорига бораверишдаги Баротхўжа ариғи бир неча йилдан бери тозаланмагани натижасида ундан балчик ҳиди анқиб турибди. Яқинда экскаватор ана шу ариқнинг бир қисмини тозалаган бўлиб, балчиқни Ефимов кўчасига ағдарган. Натижада балчиқдан тепалик ҳосил бўлиб, йўловчиларни ранжитмоқда. Қўйлиқ бозоридан нарироқдаги Тошлоқ ариғидан аввал шарқираб сув оқарди, қирғоқлари бетонлаштирилгандан сўнг сув янада равон оқадиган бўлди. Бироқ ариқ ўз йўлига ташлаб қўйилди. Кимдир унга ахлат ағдарди, кимдир чиқинди тўкди. «Ташобводхоз»га қарашли бу ариқ балчиққа кўмилиб кетди.

— Чиқиндиларни олиб кетадиган машина Ефимов кўчасидан фақат ҳафтанинг жума кунлари ўтганлан кейин ахлат йиғилиб қолади, — дейди шу кўчада яшовчи пенсионер С. Ўрозов. — Машина кутавериб, кўзимиз тўрт бўлади.

Куйбишев район Генерал Петров кўчасидаги 98-уй ўрасида уюм-уюм чиқиндилар ётибди. Пастроқдан ариқ оқмоқда. Ана шу ахлат ёмғирда ивиб ариққа силжиб тушиши мумкин. Ифлосланган сувдан эса қандай юқумли касалликлар тарқалишини тасаввур қилиш қийин эмас. Наҳотки, бунга район «Автодормехбаза»си илғамаган бўлса?

Акмал Икромов районида яқинда ташкил қилинган «Автодормехбаза» янги объектда иш бошлади. Ҳар ҳолда, бошқа районларга нисбатан бирмунча қулай шарт-шароитга эга. Базада машиналар турадиган жой, устахона ва бошқа қулайликлар мавжуд. Лекин шунга қарамай Хондамир, Ёнчин, Шифокор кўчаларида ахлат узоқ вақт туриб қолмоқда. Ҳаш-ар йўли билан қазилган ариқ тупроқ, чиқиндиларга тўлган. Бу ўринда фақат район «Автодормехбаза»сини айблаб бўлмайди, албатта. Маҳалла комитети ҳашар йўли билан бу камчиликни бартараф этиши мумкин эди. Чунки аҳолдан меҳнаткаш, озода табиат халқимиз ўз эшик олдиларига, ўз кўчаларига сув сепиб, уни супуриб-сидиришган, гард юқтиришмаган.

Ҳамза районидаги З. Шамсуддинова, А. Каримов, Чашма, Шавкат кўчалари ва шу кўчаларнинг проездларида хонадонлардан олиб чиқилган чиқиндилар кўчада узоқ муддат туриб қолмоқда. Машина ана шу кўчаларга 15—20 кунда бир мартагина келмоқда, холос.

Кенг ва равон Ж. Обидова кўчасидан ўтар экансиз, Ботаника боғи рўпарасида катта ҳарфлар билан ёзилган «Киров районимизни озода ва санитария жиҳатдан намунали районга айлантирамиз» шиорига кўзингиз тушади. Беихтиёр «бу районда ишлар мазкур шиордагидек ташкил қилинган экан» деган фикрга келасиз. Лекин бир неча кўча айлангач, бу фикрдан қайтишга мажбур бўласиз. Шу кўчадаги 90-уйнинг рўпарасида гўнг тўкиб ташланган. Атрофдаги хонадонлардан суриштирамиз.

— Биз тўкмадик, молимиз ҳам йўқ, — дейишади улар.

— Сизнингча, буларни ким чиқариб ташлаши мумкин?

Маълум бўлишича Фирдавсий кўча, 86-уйда яшовчилар мол асраб, чиқиндиларни магистраль кўчанинг нариги бетига ағдаришар экан.

Сал нарироқдан Тимирязев кўчаси ошланади. 51-уй олдида ўн метрча жой ахлатхонага айланиб қолган. К. Зарипов кўчаси билан Мариупольский кўчаси туташган жойда бундан ҳам кўнгилсиз манзарани кўриш мумкин. Бу ерга кўйилган контейнер тўлиб-тошиб, чиқиндилар бир неча метрга чўзилиб кетган.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси боғи ҳам Киров районининг территориясида жойлашган. Боққа киришингиз билан баҳри-дилингиз очилади. Кўлнинг чап қирғоғида республика Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ишчи-хизматчилари яшашади. Кўл томон очиқ. қолган қисми бетон девор билан ўралган. Кўлдан беш-олти метр нариги учта контейнер ахлат билан тўла. Атрофида яна чиқиндилар. Ювинди ағдариладиган ўра ҳам тўлиб қолган.

— Бу чиқиндилар ўтган йилнинг ноябрь ойидан бери олиб кетилмайди, — афсусланиб дейди Улуғ Ватан уруши инвалиди Л. С. Богданов. — Тегишли ташкилотларга мурожаат қилавериш-дан наф чиқмаяпти.

Киров район санитария-эпидемиология станциясида бўлганимизда санитария қоидаларини кўпол равишда бузганлар устидан тузилган ўнлаб актларга, жарималарга, ўртоқлик судларига ошириллган ҳужжатларга кўзимиз тушди.

Биз район «Автодормехбаза»сида ҳам бўлдик.

— Машиналаримиз етишмайди, кадр масаласи чатоқ, — дейди бош инженер С. Жиянбоев нолиб.

Машиналар етишмаслиги қисман тўғри. Лекин бор имкониятдан оқилона фойдаланишни ҳам билиш керак. Кадрлар қўнимсизлигига эса база дирекциясидан бошқа ҳеч кимни айблаб бўлмайди. Гап ишни тўғри ташкил этишда, ишчиларни маънавий ва моддий рағбатлантириб туришда, маданий-маиший шароитлар яратиб беришда ва бу касб олижаноб, шарафли касб эканлигини улар онгига сингдира билишдадир.

Кези келганда шуни айтиш керакки, «Автодормехбаза» фаолияти райжиқоом ободонлаштириш бўлими советида муҳокама қилиниб, «Автодормехбаза» бошлиғи Б. Рўзиевга виговор берилган ва тегишли тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Бироқ ободонлаштириш бўлими бу тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши устидан қатъий назорат ўрнатмагани туфайли база ишлаб чиқариш фаолиятида сезиларли ўзгариш рўй бермаяпти.

Ғафур Ғулом номли кинотеатр орқасида Октябрь район «Автодормехбаза»си жойлашган. Устахона авария ҳолатида, машиналар очиқда. Шунга қарамасдан ишлар бирмунча яхши ташкил қилинганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Базамиз бир-икки йил ичида бошқа ерга кўчирилиши керак, — дейди база директори А. Ғаниев. — Шунга қарамасдан, биз ўз кучимиз билан гараж қурмоқчимиз. Территориямизда ободликни сақлаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқ-қанмиз. Бироқ техника етишмаяпти. Шу йил бизга ажратилиши лозим бўлган машиналардан ҳанузгача дарак йўқ. Шу сабабли ҳозирда 65 маҳаллага 33 та машина хизмат кўрсатяпти, холос. Бундай кўч билан ҳаётта кўзланган мақсадга эришиш анча қийин.

Шаҳар санитария ҳолатини текширишлар шуни кўрсатдики, мавжуд чиқинди ташийдиган автомашиналар тегишли маршрутларга график бўйича тўла сафарбар қилинмаётир. Ҳамма район базаларида машиналар етишмаслиги ишнинг белига теппмоқда. Район ички ишлар бўлимлари ободликни назорат қилувчи милиция ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан ўтаяптилар, деб бўлмайди. Шаҳар «Автодормехбаза» ишлаб чиқариш тресті район базалари фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатиши лозим. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармаси юқорида санаб ўтилган фактлардан тегишли хулоса чиқариб, машина муаммосини ва бошқа масалаларни ҳал қилишда оператив чора-тадбирлар кўришига умид қиламиз.

Н. ОМОНОВ.
Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг жамоатчи инспектори.
А. СОДИКОВ,
У. ШОРИХСИЕВ.
Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ходимлари.
А. МАННОПОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ТИНЧЛИК ИШИГА ҚЎШИЛГАН МУҲИМ ҲИССА

Американинг таниқли сиёсий арбоби, АҚШнинг СССРдаги собиқ элчиси Аверелл Гарриман бундай деди: мен Леонид Ильич Брежневнинг «Тинчлик, кескинликни юмшатиш ва Совет—Америка муносабатлари» номли китобини ҳозиргина зўр мамнуният билан ўқиб тамомладим. Мен Л. И. Брежневни Москва ва Вашингтондаги учрашувлар туфайли шахсан яхши танийман ҳамда ҳозирги замоннинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби, халқлар ҳавфсизлиги ва ялпи тинчликни таъминлаш ишининг жўшқин курашчиси сифатида гоят ҳурмат қиламан.

Бу китоб, деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда, Совет давлати ташқи сиёсатининг туб проблемаларига бағишланган бўлиб. Совет Иттифоқи ва унинг раҳбарларининг халқлар тинчлиги ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш учун, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш учун тинимсиз курашишга ихлосманд эканликларини яна бир карра ишонарли тарзда намойиш қилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси халқларнинг ва ялпи тинчликнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушадиган шу курашга кун сайин нақадар чинакам буюк ҳисса қўшиб келаётганлиги бутун дунёга яхши маълум, деб таъкидлади А. Гарриман. Шу боисдан у Совет Иттифоқида ҳам, ер куррасининг бошқа мамлакатларида ҳам астойдил ҳурматга сазовор бўлди.

Менинг фикримча, Л. И. Брежневнинг кескинликни юмшатиш ва Совет—Америка муносабатлари проблемаларига тааллуқли нутқлари ҳамда мақолалари тўплами америкалик китобхонинг Совет Иттифоқи ташқи сиёсати асосий йўналишларини ва унинг халқаро турмушдаги актуал масалалар хусусида тутаётган позициясини яхшироқ тушуниб олишига ёрдам беради.

Совет раҳбарлари иккала система ўртасида рақобат борлигига ва бу рақобат, чамаси, бундан буён ҳам давом этаверишига қарамай, Қўшма Штатлар билан ядро можароси чиқишига йўл қўймаслик учун бутун кучларини сарфлаётганликларини Л. И. Брежневнинг нутклари кўрсатиб турибди, деб ўқтирди А. Гарриман. Мен шунга аминманки, деди у, Рейс Л. И. Брежнев билан Президент Ж. Картернинг Венада бўладиган учрашуви ва СССР билан АҚШ раҳбарлари стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги шартномани имзолашлари алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Бу учрашув ядровий қуролланиш пойгасини жиловлаш, Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасида ишончсизлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш соҳасида янги муҳим аҳдномаларга олиб боришига умид қиламан.

(ТАСС).

НЬЮ-ЙОРК

АҚШ МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ ВИЗИТИ

МАДРИД, 18 май. (ТАСС). АҚШ мудофаа министри Ғ. Браун расмий визит билан кеча бу ерга келди. Уни Испания ҳукуматининг раиси А. Суарес ва ҳукумат раисининг ҳавфсизлик ҳамда миллий мудофаа масалалари билан шуғулланувчи биринчи ўринбосари генерал-лейтенант М. Гутьеррес Мельядо қабул қилди. Ғ. Браун икки кун давом этадиган визити вақтида Испания мудофаа министрлигининг вакиллари билан ҳам учрашади, деб хабар берилди.

Испания матбуотининг уқтириб ўтишича, Ғ. Браун Испанияни агрессив НАТО блокига жалб этиш мақсадида Испанияга тазйиқ қилишга уринади кўради.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ БЕРЛИН. 20 май куни республика маҳаллий халқ вакилликларига сайлов ўтказилади. ГДР сайлов комиссияси нинг бу ерда бўлиб ўтган мажлиси ва республика эркин немис касаба союзлари бирлашмаси марказий правленисининг мажлиси ана шу сайловга тайёргарлик якунларига бағишланди.

Мажлисларда сўзга чиққан нотиқлар ана шу муҳим воқеага тайёргарликнинг бутун борриши мамлакат аҳолисининг барча табақалари бўлажак сайловга гоят қизиқиб қараётганлигидан далолат бериши нитаъкидлаб ўтдилар.

◆ БРЮССЕЛЬ. Бельгия ва Нидерландия коммунистик партиялари бу ерда қўшма баёнот эълон қилдилар. Бу партиялар ана шу баёнотда НАТОнинг қуролланиш пойгасини янада кучайтиришга қаратилган режаларига қарши актив кураш олиб борш зарурлигини қайд қилиб ўтдилар. Шу муносабат билан баёнотда таъкидлаб ўтилганидек, ядро қуроли билан қуролланиш сиёсатига қарши ҳаракат қилиш ва нейтрон қуроли ишлаб чиқаришга, шунингдек бу қуролнинг Ғарбий Европа мамлакатлари территориясига жойлаштирилишига қарши изчиллик билан кураш олиб борш ниҳоятда муҳимдир.

[ТАСС].

ХИТОЙ АГРЕССОРЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Хитой экспансиячилари ва гегемонистлари олиб борган агрессив уруш чоғида қилинган жиноятларни текширувчи комиссиянинг бу ерда эълон қилинган ахборотида Хитойнинг ВСРга қарши бошлаган уруши ниҳоятда ёвуз ва мудҳиш бўлди, деб таъкидланади.

Хитой агрессорлари, дейилади ҳужжатда, аҳолини ёппасига қириш билан шуғулландилар. Асосан хотин-қизлар ва болалар улар қилган қонли жиноятларнинг қурбонлари бўлдилар. Босқинчилар ярадорларга ёрдам кўрсатаётган врачлар ва бошқа медицина ходимларини ҳам тўғридилар.

Босқинчилар қилган жиноятларида гитлерчи фашистлардан ҳам ўтиб кетиб, одамларни қиришнинг ниҳоятда ёвуз методларини қўлладилар. Кампучияда Пекиннинг полпотчи гумашталари қилган мудҳиш жиноятлар Вьетнамда такрорланди. Вьетнамдаги Тонгтюр қишлоғида (Каобанг вилояти) 9 март куни, яъни Хитой раҳбарлари Вьетнамдан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетганликларини билдирганларидан кейин тўрт кун ўтгач рўй берган фожиани кўрганларнинг айтганларини дахшатга тушмай эшитиб бўлмайди. Бу қишлоқда Хитой солдатлари бир кунда 43 кишини ўлдирдилар. Бу қурбонлар орасида 24 аёл бўлиб, шулардан етти нафари ҳомиладор, 19 боладан еттита нафари чақалоқ бўлган. Жаллодлар уларни таёқ билан, шакарқамиш қирқадиган ўроқ билан уриб ўлдиргانлар, нимталаб ташлаганлар, бошларини узганлар, чавақлаганлар. Бу — биргина ҳол эмас.

Ахборотда боскинчилар етказган зарарларнинг дастлабки маълумотлари ҳам келтирилади. Улар вақтинча оккупация зонасида бўлган тўртта шаҳарни батамом вайрон қилганлар ва 320 жаноати шиё-шиддам этганлар. 350 минг киши бошпанасиз қолган 735 мактаб, барча болалар боғчалари вайрон қилинган. 430 та касалхонадан иккитасигина омон қолган. 79 ўрмон хўжалиги, кооператив ва чорвачилик фермаларининг иморатлари теп-текис қилинган. мол-мулки таланган. 400 минг бошдан ошиқ уй ҳайвони қириб ташланган ёки Хитойга олиб кетилган.

Пекинлик экспансиячилар ва гегемонистлар, дейилади ахборотда, атайлаб тайёрланган агрессив урушни бошлаб, Вьетнамнинг мустакиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини химоя қилишга маҳкам бел боғлаган.

Редактор
М. КОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Бақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ота-оналар. Сизлар учун. 10.35 — Концерт. 10.45 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея, 4-фильм. 11.35 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.05 — Тонгги почта. 12.45 — Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 13.15 — Спортлото. 13.30 — Здоровье. 14.15 — В. И. Ленин номли пионер ташкилоти туғилган кунга. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Биз тўғрисида. Бадиий фильм 16.35 — Талабларингизга биноан учрашувлар. 17.20 — Хайвонот оламида. 18.20 — Цирк майдонида. 19.05 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.50 — Салом, мен қолаётиг бўламан. Бадиий фильм. 21.30 — Бақт. 22.05 — Камалак. 22.30 — Футбол бўйича Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР — Венгрия терма командалари. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

8.45 — В. И. Ленин номли майдон. В. И. Ленин номли пионер ташкилотининг туғилган кунига бағишланган Тошкент шаҳар ўнг қанотли отрядларининг паради. 10.00 — Фильм-концерт. 10.25 — Юмор. 11.25 — Концерт. 12.05 — Ўзбекистон спорти. 12.35 — Ўзбекистон ССР давлат санъат музейи залари бўйлаб. 18.— Концерт. 19.00 — Ота-оналар университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Менинг оғам рус бўлур. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 21.30 — Бақт. 22.05 — Оламда нима гап? 22.35 — Прерия. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.20 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН
БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — К. Жабборов ва Ф. Содиқов қўшиқлари. 9.15 — Санъат саодатимдир. 10.25 — Гулшан. 11.30 — Биз қўшиқ айтишни севамиз. 12.00 — СССР халқларининг қўйлари. 12.30 — Миллатлараро муносабат тили. 13.00 — Жиззах областидаги Тимирязев номли совхозидан репортаж. 13.30 — А. Зацепин асарларидан концерт. 14.00 — 26 минг тонна пилла учун 16.20 — Нодира лирикаси 17.30 — Музикали салом. 18.15 — Қарор ижросини текшириш — муваффақиятлар гарови 19.45 — Рақс қўйлари. 20.25 — Музикали глобус. 21.00 — Санъат саодатимдир. 22.28 — Ш Рашидов. «Голиблар» романи асосида радиопьеса, 2-қисм

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/V да Сўғд элининг қоғлони, 20/V да Оловиддининг сеҳрли шамчироғи (12.00), Бир антли балетлар (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/V да Шошма, қуёшли, 20/V да Келинлар қўзғолони (12.00), Соқов рицарь (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/V да Қизил дуррали нозик ниҳолим, 20/V да Паранжи сирлари (12.00), Тошкентнинг нозанин маликаси (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ярим программа: КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ (19/V да 16.00, 19.30 да, 20/V да 12.00, 16.00, 19.30).

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 4-ИХТИСОСЛАШГАН ТРЕСТНИНГ 165-КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИГА

Республиканинг Жиззах, Урганч, Қарши, Нукус, Термиз, Янгийўл ва Чирчиқ шаҳарларидаги қурилишларда ишлаш учун том ёпувчи усталар, бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, плиткачилар, шунингдек, қурилиш ихтисосларига эга бўлмаган ишчилар (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда бригада методи асосида қурувчилик касбига ўргатиладилар).

КЕРАК

Асосий иш ҳақига қўшимча равишда 15 процентдан 30 процентгача район коэффициенти, ишнинг кўчма характери учун 20 процент қўшимча ҳақ тўланади.

ЁЛҒИЗ КИШИЛАРГА ЕТОҚХОНА, ОИЛАЛИЛАРГА ЭСА НАВБАТИ БИЛАН КВАРТИРА БЕРИЛАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Саъдий кўчаси, Прохладний тупиги, 27-уй.

Қибрай пиво-алкоголсиз ичимликлар комбинатига тараларга сотиб олиш учун берилган 5914, 5915, 5916, 5917, 5918 номерли йўқолган

КВИТАНЦИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИГА

Жиззах қурилиш материаллари комбинатида, Фарғона шиша-тара заводида, Олмалиқ гишт заводи бошқармасида, Қорақалпоғистон қурилиш материаллари комбинатида ишлаш учун бош бухгалтерлар

КЕРАК

Қабул қилинганлар квартира билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 3-уй.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Президиум аппаратининг партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ш. К. Ҳайруллаевга оғир

Муҳаррам АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

1979—1980 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

(Тошкент шаҳри-95, Студентлар шаҳарчаси)

Кундузги ўқишга: фойдали қазилма конларини геологик суратга олиш, қидириш ва разведка қилиш; фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик методлари; геохимия; гидрогеология ва инженерлик геологияси; амалий математика; қуруқлик гидрологияси; агрохимия ва тупроқшунослик; ҳуқуқшунослик; рус тили ва адабиёти; она тили ва адабиёти; роман-герман тиллари ва адабиёти; шарқ тиллари ва адабиёти; тарих; снёсий иқтисод; психология; математика; механика; физика; химия; биология; журналистика; география; ҳуқуқшунослик.

Кечки ўқишга: рус тили ва адабиёти; она тили ва адабиёти; тарих; математика; физика; химия; биология; журналистика; география; ҳуқуқшунослик.

Сиртқи ўқишга: ҳуқуқшунослик; рус тили ва адабиёти; она тили ва адабиёти; тарих; журналистика; география.



ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

(Қўқон шаҳри-2, Улуғбек кўчаси, 71-уй)

Кундузги ўқишга: нефть ва газ қудуқларини пармалаш; саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; машинасозлик технологияси; металл кесадиган станоклар ва асбоблар; қурилиш материалларни корхоналарини механик жиҳозлаш; буюмлар ва конструкциялар; енгил саноат машиналари ва аппаратлари; тикув буюмлари технологияси; полиграфия ишлаб чиқариши технологияси; саноат ва граждан қурилиши; бухгалтерия ҳисоби; маиший хизмат кўрсатиш экономикаси ва уни ташкил этиш.

Кечки ўқишга: нефть ва газ қудуқларини пармалаш; саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; машинасозлик технологияси; металл кесадиган станоклар ва асбоблар; енгил саноат машиналари ва аппаратлари; саноат ва граждан қурилиши.

Сиртқи ўқишга: машинасозлик технологияси; металл кесадиган станоклар ва асбоблар; саноат ва граждан қурилиши.

ҚЎҚОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Қўқон шаҳри)

Машинасозлик технологияси; металл кесадиган станоклар ва асбоблар; нефть ва газ қудуқларини пармалаш; саноат ва граждан қурилиши.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 32-уй)

Кундузги ўқишга: қурилиш ва йўл машиналари ва асбоблари; автомобиль йўллари; кўприклар ва тоннеллар; автомобиллар ва автомобиль хўжалиги; йўл ҳаракатини ташкил этиш; автомобиль транспорти эксплуатацияси; автомобиль транспорти экономикаси ва уни ташкил этиш; бухгалтерия ҳисоби.

Кечки ўқишга: қурилиш ва йўл машиналари ва асбоблари; автомобиль йўллари; кўприклар ва тоннеллар; автомобиллар ва автомобиль хўжалиги; автомобиль транспорти экономикаси ва уни ташкил этиш.

Сиртқи ўқишга: қурилиш ва йўл машиналари ва асбоблари; автомобиль йўллари; автомобиллар ва автомобиль хўжалиги; автомобиль транспорти экономикаси ва уни ташкил этиш; бухгалтерия ҳисоби.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти

(Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй)

Кундузги ўқишга: фойдали қазилма конларини геологик суратга олиш, қидириш ва разведка қилиш; нефть ва газ конлари геологияси ва разведка қилиш; фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик методлари; гидрогеология ва инженерлик геологияси; фойдали қазилма конларини разведка қилиш технологияси ва техникаси; маркшейдерлик иши; фойдали қазилма конларини ер остида ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш; нефть ва газ конларини ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш; фойдали қазилма конларини очиқ ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш; электр станциялари; электр системалари; саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; иссиқлик электр станциялари; иссиқлик электр станцияларида сув ва ёқилғи технологияси; гидроэнергетик қурилмалар; саноат иссиқлик энергетикаси; рангли металлар металлургияси; машинасозлик технологияси; металл кесадиган станоклар ва асбоблар; қуйов ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси; металларни босим билан ишлаш машиналари ва технологияси; пайвандлаш ишлаб чиқариш ускуналари ва технологияси; кон машиналари ва комплекслари; қишлоқ хўжалик машиналари; автомобиллар ва тракторлар; ҳисмия ишлаб чиқариши машиналари ва аппаратлари; совутиш ва компрессор машиналари ҳамда қурилмалари; самолётсозлик; электр машиналари; электр изоляцион ва кабель техникаси; автоматика ва телемеханика; электрон ҳисоблаш машиналари; саноат электроникаси; саноат қурилмаларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; ярим ўтказгичли ва микроэлектрон асбоблар; кон ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; химиявий технология жараёнларини автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш; ахборотларни бериш ва ишлаш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш; физик-электроника; автоматлаштирилган бошқариш системалари; амалий математика; ноорганик моддалар технологияси; тўқима материалларнинг химиявий технологияси; асосий органик ва нефть-химия синтези технологияси; резина технологияси; пластик массаларни қайта ишлаш технологияси; керамика ва ўтга чидамли материалларнинг химиявий технологияси; ёғочсозлик технологияси; ачитқи ишлаб чиқариш технологияси; виночилик технологияси; мойлар технологияси; архитектура; саноат ва граждан қурилиши; дарё ГЭС лари ва гидроэлектростанцияларнинг гидротехника қурилиши; бинокорлик буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш; иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция; сув таъминоти ва канализация; амалий геодезия; машинасозлик саноати экономикаси ва уни ташкил этиш; қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш.

Кечки ўқишга: электр станциялари; саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; саноат иссиқлик энергетикаси; машинасозлик технологияси; металл кесадиган станоклар ва асбоблар; пайвандлаш ишлаб чиқариш ускуналари ва технологияси; қишлоқ хўжалиги машиналари; автомобиллар ва тракторлар; самолётсозлик; электр изоляцион ва кабель техникаси; саноат қурилмаларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; ярим ўтказгичли ва микроэлектрон асбоблар; автоматлаштирилган бошқариш системалари; амалий математика; ёғочсозлик технологияси; архитектура; саноат ва граждан қурилиши; бинокорлик буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш; иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция; сув таъминоти ва канализация; машинасозлик саноати экономикаси ва уни ташкил этиш; қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш.

ОЛМАЛИҚ КЕЧКИ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

(Олмалиқ шаҳри, Ленин кўчаси, 56-уй)

Фойдали қазилмаларни бойитиш; фойдали қазилма конларини очиқ ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш; рангли металлар металлургияси; кон машиналари ва комплекслари; кон ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; ноорганик моддалар технологияси; саноат ва граждан қурилиши.

АНГРЕН КЕЧКИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Ангрен шаҳри, Чикрезов кўчаси, 17-уй)

Фойдали қазилма конларини ер остида ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш; саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; саноат қурилмаларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; резина технологияси; керамика ва ўтга чидамли материалларнинг химиявий технологияси; саноат ва граждан қурилиши.

ЖИЗЗАХ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Жиззах шаҳри, микрорайон, 2)

Кечки ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, бинокорлик буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш.

Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

ЗАРАФШОН КЕЧКИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Бухоро области, Зарафшон шаҳри)

Саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; саноат қурилмаларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; саноат ва граждан қурилиши.

УЧҚУДУҚ ШАҲРИДА

Фойдали қазилма конларини очиқ ишлаш технологияси ва уни комплекс механизациялаш; кон машиналари ва комплекслари; кон ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш.

НАВОИЙ КЕЧКИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Навоий шаҳри, 1)

Электр станциялари; машинасозлик технологияси; металл кесадиган станоклар ва асбоблар; автомобиллар ва тракторлар; ноорганик моддалар технологияси; саноат ва граждан қурилиши; иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция; сув таъминоти ва канализация.

ЧИРЧИҚ КЕЧКИ ФАКУЛЬТЕТИ

(Чирчиқ шаҳри, Ломоносов кўчаси, 7-уй)

Саноат корхоналари, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти; машинасозлик технологияси; металл кесадиган станоклар ва асбоблар; химия ишлаб чиқариши машиналари ва аппаратлари; электр машиналари; саноат қурилмаларини электрлаштириш ва автоматлаштириш; химиявий технология жараёнларини автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш; ноорганик моддалар технологияси; саноат ва граждан қурилиши.

ТОШКЕНТ СИРТҚИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси, 3-уй)

Фойдали қазилма конларини геологик суратга олиш, қидириш ва разведка қилиш; нефть ва газ конлари геологияси ва уларни разведка қилиш; иссиқлик электр станциялари; машинасозлик технологияси; металл кесадиган станоклар ва асбоблар, совутиш ва компрессор машиналари ҳамда қурилмалари; керамика ва ўтга чидамли материалларнинг химиявий технологияси; мойлар технологияси; саноат ва граждан қурилиши.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй)

Кундузги ўқишга: тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари; енгил саноат машиналари ва аппаратлари; табиий ва химиявий толаларни йигириш; пардозлаш ишлаб чиқаришнинг химиявий технологияси ва ускуналари; трикотаж ишлаб чиқариши; тикув буюмлари технологияси; чарм буюмлар технологияси; тўқувчилик; тикувчилик буюмларини конструкциялаш; кенг истеъмол моллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш; химиявий толалар технологияси.

Кечки ўқишга: тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари; енгил саноат машиналари ва аппаратлари; табиий ва химиявий толаларни йигириш; тикув буюмлари технологияси; тўқувчилик; тикувчилик буюмларини конструкциялаш; кенг истеъмол моллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Сиртқи ўқишга: тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари; табиий ва химиявий толаларни йигириш; трикотаж ишлаб чиқариши; тикув буюмлари технологияси; тўқувчилик; кенг истеъмол моллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.



НАМАНГАН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Наманган шаҳри, 2-микрорайон, 142-уй)

Кечки ўқишга: тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари; енгил саноат машиналари ва аппаратлари; табиий ва химиявий толаларни йигириш.

Сиртқи ўқишга: табиий ва химиявий толаларни йигириш; тўқувчилик.

МАРҒИЛОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Марғилон шаҳри, Ипак комбинати)

Кечки ўқишга: тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари; енгил саноат машиналари ва аппаратлари; табиий ва химиявий толаларни йигириш; тикув буюмлари технологияси; тўқувчилик.



Тошкент халқ хўжалик институти

(Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй)

Кундузги ўқишга: халқ хўжалигини планлаштириш; саноатни планлаштириш; моддий-техника таъминоти экономикаси ва уни планлаштириш; меҳнат экономикаси; қишлоқ хўжалигини планлаштириш, савдо экономикаси; саноат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик, озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик; молия ва кредит; статистика; бухгалтерия ҳисоби; иқтисодий ахборотларни механизация ёрдамида қайта ишлашни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби; иқтисодий кибернетика.

Кечки ўқишга: халқ хўжалигини планлаштириш; саноатни планлаштириш; моддий-техника таъминоти экономикаси ва уни планлаштириш; меҳнат экономикаси; савдо экономикаси; молия ва кредит; бухгалтерия ҳисоби; иқтисодий ахборотларни механизация ёрдамида қайта ишлашни ташкил этиш.

Сиртқи ўқишга: халқ хўжалигини планлаштириш; саноатни планлаштириш; моддий-техника таъминоти экономикаси ва уни планлаштириш; меҳнат экономикаси; савдо экономикаси; молия ва кредит; статистика; бухгалтерия ҳисоби; қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

АНДИЖОН ФИЛИАЛИ

(Андижон шаҳри, Фрунзе кўчаси, 19-уй)

Кечки ўқишга: саноатни планлаштириш; савдо экономикаси; бухгалтерия ҳисоби.

Сиртқи ўқишга: саноатни планлаштириш; қишлоқ хўжалигини планлаштириш; савдо экономикаси; молия ва кредит; қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

ҚЎҚОН СИРТҚИ УМУМИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

(Қўқон шаҳри, Энгельс кўчаси, 2-уй)

СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТНИНГ ЎҚУВ-КОНСУЛЬТАЦИЯ ПУНКТЛАРИДА

(Самарқанд шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 60-уй)

(Қарши шаҳри, Кўчабоғи кўчаси, 17-уй)

Тошкент халқ хўжалик институтининг сиртқи таълими ихтисослари бўйича ҳужжатлар қабул қилинади.

СССР олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари

Олий ўқув юртларига тўла ва ўрта маълумотли СССР гражданлари қабул қилинади.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун (кечки ва сиртқи) ёш чекланмаган ҳолда, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ва конкурсда қобиляти деб топилган кишилар олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

СССР территориясида яшаб турувчи чет давлатларнинг гражданлари олий ўқув юртларига умумий асосларда қабул қилинадилар.

Олий ўқув юртига қабул қилишда камида икки йил амалий иш стажи — меҳнат дафтарчаси ёки колхоз меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар асосига эга бўлганларга имтиёзлар берилади.

Олий ўқув юртига кириш ҳақидаги ректор номига ёзилган ариза ягона формада топширилади.

Сиртқи ўқишга кирувчилар аризаларини турар жойларига яқин бўлган олий ўқув юртларида ўзларини қизиқтирган мутахассислик ёки умумтехника факультетларига топширадилар.

Аризага ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), олий ўқув юртига кириш учун характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, бош кийимсиз тушилган 3x4 см. ҳажмидаги тўрт дона фотосурат қўшиб топширилади.

Олий ўқув юртига кирувчилар паспорт, ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий хизматчилар) ёки ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисида гувоҳнома (чақирилиш ёшидаги шахслар)ни шахсан кўрсатадилар.

Кирувчилар сўнгги иш жойидан партия, комсомол, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари, корхона раҳбарлари, муассаса, ташкилот, колхоз правлениялари томонидан ёзиб берилган, умумтаълим мактабларини битирганлар мактаб раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари томонидан ёзиб берилган характеристикани топширадилар.

Камида икки йиллик амалий иш стажи бўлган, шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга юборилган ва халқ хўжалигида бажараётган ишига мос келадиган мутахассислик бўйича ўқишга кираётган кишилар ариза билан бир қаторда корхона ёки муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирманн биргаликда топширишлари лозим.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга қабул қилинган кишилар ўқув йили бошлангунга қадар меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини топширишлари шарт.

Олий ўқув юртларига кирувчилардан аризалар қабул қилиш, кириш имтиҳонларини ўтказиш ва шунингдек, уларни студентлар составига киритиш қуйидаги муддатларда белгиланади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН:

санъат мутахассислигидан бошқа ҳамма мутахассисликлар учун аризалар 20 июндан 31 июлга қадар қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1—20 август кунлари, студентлар составига киритиш 21—25 август кунлари ўтказилади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН:

мавсумий иш билан боғлиқ бўлган мутахассисликлардан, шунингдек махсус педагогика мутахассислигидан бошқа ҳамма мутахассисликлар учун Кечки ўқишга аризалар 20 июндан 1 сентябргача, кириш имтиҳонлари 11 августдан 11 сентябргача қабул қилинади, студентлар составига киритиш эса 21 августдан 21 сентябргача ўтказилади. Сиртқи ўқишга аризалар 1 сентябргача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 11 сентябрга қадар, студентлар составига киритиш эса 21 августдан 21 сентябрга қадар ўтказилади.

Мавсумий ишлар билан боғлиқ бўлган мутахассисликлар (геодезия, геология-қидирув)га кечки ва сиртқи бўлимларда ўқиш учун аризалар 15 октябрдан 16 декабргача, кириш имтиҳонлари 1 декабрдан 1 февралгача, студентлар составига киритиш эса 1 февралдан 16 февралгача ўтказилади.

Қишлоқ хўжалик мутахассислиги бўйича сиртқи бўлимда ўқиш учун аризалар 1 октябрдан 16 январгача, кириш имтиҳонлари 1 январдан 16 февралгача, студентлар составига киритиш эса 16 февралдан 1 мартгача ўтказилади.

Педагогика мутахассислиги бўйича кечки ва сиртқи бўлимларда ўқиш учун аризалар 1 июнгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 июндан 21 июнгача қабул қилинади, студентлар составига киритиш 21 июндан 1 июлгача ўтказилади.

ЭСЛАТМА: имтиҳонлар бир қанча потокларда ўтказилиши керак.

Олий ўқув юртларига кирувчилар ўзлари танлаган мутахассисликларга мувофиқ қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: техника ва иқтисодий инженерлик, физика, механика-математика мутахассисликлари учун — рус тили (ёки ўқиш қайси тилда олиб борилса, ўша тилдан) ва адабиётдан (ёзма), математикадан (ёзма ва оғзаки), физикадан (ёзма ёки оғзаки);

архитектура мутахассислиги учун — рус тили (ёки ўқиш қайси тилда олиб борилса, ўша тилдан) ва адабиётдан (ёзма), расм, чизмачилик, математикадан (ёзма ёки оғзаки), физикадан (оғзаки);

химия, химиявий технология, металлургия, технология, тегишли саноат тармоқлари бўйича иқтисодий инженерлик мутахассисликлари учун — рус тили (ёки ўқиш қайси тилда олиб борилса, ўша тилдан) ва адабиётдан (ёзма), химиядан (оғзаки), матматикадан (ёзма ёки оғзаки), физикадан (ёзма ёки оғзаки);

биология (университетлардан ташқари), қишлоқ хўжалиги (инженер-техниклардан ташқари) мутахассисликлари учун — рус тили (ёки ўқиш қайси тилда олиб борилса, ўша тилдан ва адабиётдан (ёзма), биологиядан (оғзаки) химиядан (оғзаки), физикадан (ёзма ёки оғзаки);

университетларга биология мутахассислиги бўйича кирувчилар — физика ўрнига математикадан (ёзма ёки оғзаки);

жисмоний тарбия мутахассислиги учун — рус тили (ёки ўқиш қайси тилда олиб борилса, ўша тилдан) ва адабиётдан (ёзма), танлаган мутахассислигидан, биологиядан (оғзаки), химиядан (оғзаки);

психология мутахассислиги бўйича кирувчилар — математикадан (ёзма ва оғзаки), СССР тарихидан (оғзаки), биологиядан (оғзаки);

филология, чет тиллари, шунингдек, рус тили ва адабиёти, она тили ва СССР халқлари адабиёти, журналистика, тарих ҳамда фалсафа, ҳуқуқшунослик мутахассисликлари бўйича кирувчилар — рус тили (ёки ўқиш қайси тилда олиб борилса, ўша тилдан) ва адабиётдан (ёзма ва оғзаки), чет тилларининг биридан (оғзаки), СССР тарихидан (оғзаки);

Журналистика мутахассислиги бўйича кундузги ўқишга кирувчилар учун олдин ижодий конкурс ўтказилади;

иқтисод, география ҳамда снёсий иқтисод ва иқтисодий кибернетика мутахассисликлари бўйича кирувчилар — рус тили (ёки ўқиш қайси тилда олиб борилса, ўша тилдан) ва адабиётдан (ёзма), математикадан (ёзма ёки оғзаки), СССР тарихидан (оғзаки), географиядан (оғзаки);

рус тили ва адабиёти, она тили ва СССР халқлари адабиёти мутахассисликлари бўйича кирувчилар — она тили ва адабиётдан (ёзма ва оғзаки), рус тили ва адабиётдан (ёзма), СССР тарихидан (оғзаки) кириш имтиҳони топширадилар.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан ёки ўрта махсус ўқув юрти ва ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртида танланган мутахассислик бўйича белгиланган фандан фақат битта кириш имтиҳони топширадилар.

Улар имтиҳонни «беш» баҳога топширсалар, бошқа имтиҳонлардан озод қилинадилар, агар «тўрт» ёки «уч» баҳо олсалар, қолган имтиҳонларнинг ҳаммасини топширадилар.

Рус тили (ёки ўқиш қайси тилда олиб борилса, ўша тилдан) ва адабиётдан ёзма кириш имтиҳони ишно ёзиш шаклида ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги томонидан тасдиқланган программа бўйича умумий таълим мактабларининг программаси асосида қабул қилинади.

Олий ўқув юртларига кириш учун имтиҳонларга қуйидагиларга белгиланган қоидага биноан иш жойидан меҳнат ҳақи сақланмаган ҳолда ўн беш календарь куни миқдорида қўшимча отпуска берилади (олий ўқув юртига бориб-келиш учун кетган вақт ҳисобга олинмайди).

Жадвалда белгиланган имтиҳонга узрли сабабсиз муддатида етиб келмаган кишилар кейинги имтиҳонларга киритилмайдилар.

Дастлабки имтиҳонлардан қониқарсиз баҳо олганлар кейинги имтиҳонларга қўйилмайди. Баҳони ошириш мақсадида қайтадан имтиҳон топширишга рухсат берилмайди.

Р. 01978. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 113.